№ 43 (2612) - son

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

2009-yil

| Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | Ch | P |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

Aprel

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 673 йил тўлди



## Қаршида илмий конференция

**Қаршидаги Одина жомеъ масжидида «Ўзликни англаш маркази» ташкил этилган. Буюк соҳибқирон бобомиз томонидан барпо қилинган бу муҳташам иморат мустақиллик шарофати билан қайта тикланди.**

Яқинда ушбу мажмуада Халқаро Амир Темур жамғармаси ташаббуси билан улуғ саркарда ва Давлат арбоби таваллудининг 673 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Унда жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Амир Темурнинг ҳаёти, ҳарбий юришлари ва мамлакат ободончилиги йўлида олиб борган ишлари ҳақида батафсил сўзлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Касаба уюшма тадбири

## Баҳор, қиш... яна баҳор

**Дунёда эллар кўп, юртлар кўп. Шимолда яшовчи чукчаларга ўзининг қорли диёри қадрли. Мисрликлар саҳрода қад ростлаган эҳромлари билан фахрланишади. Араб саҳроларида яшайдиган бадавийларга эса ўзларининг қадрдон чўлу биёбонлари азиз. Шулар ҳақида фикр юритар эканмиз, хассос шоиримиз Ойбекнинг юртимизнинг бор гўзаллиги нозик ташбеҳлар ила тараннум этилган «Бир ўлкаки...» шеъри ёдга тушади.**

**Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,**
**Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.**
**Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар,**
**Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.**
**Бахт тошини чақиб бунда куч гувиллайди...**




Баҳор ёмғири шивалаб турган 7 апрел тонгида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг таклифи билан Наманган вилоятининг «Чортоқ» санаториясида қишлоқ умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун ўтказиладиган минтақавий ўқув-семинарнинг очилиш маросимида қатнашиш учун йўлга отландик.

Кўпни кўрган кексаларимиз ўзаро гурунгларда кўп йиллик кузатишларига асосланиб бу йил баҳор яхши келишини башорат қилишган эди. Йўлда Тошкент вилояти далаларини томоша қилиб кета туриб улар ҳақ эканлигига амин бўлдик. Кўз тегмасин, бу йил далаларда майсаларнинг ривожи яхши. Вақтида ёмғир ёғиб, вақтида қуёш ўз саховатини аямаяпти.

Ангрендан ўтиб Қамчиқ довонига чиққанимизда ажойиб манзарага дуч келдик. Пастда ёғиб турган ёмғир бу ерда қорга айланган эди. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Ҳатто тажрибали ҳайдовчимиз Саидкамол ҳам ёзги шиналарга ўтганлигини эслаб, шошиб қолди. Табиатнинг бу мўъжизасидан баҳра олиб, эҳтиёткорлик билан пастга тушиб бордик. Буни қарангки, Наманган вилояти ҳудудида қор ҳам, ёмғир ҳам йўқ, ижодкорларга илҳом бағишлайдиган баҳорий муҳит ҳукмрон эди. Шу каби таассуротлар оғушида «Чортоқ» санаториясига кириб бордик.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг иш режасига асосан 2009 йилнинг апрел-май ойларида республикамизнинг дам олиш масканларида қишлоқ умумтаълим муассасалари педагог ходимларини бир ҳафта мобайнида соғломлаштириш, улар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилган. Шу мақсадда Фарғона водийсининг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг 84 нафар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари маскур сиҳатгоҳга жалб қилинди. 6 — 11-апрел кунларига мўлжалланган ўқув-семинарнинг очилиш маросими сиҳатгоҳнинг Маданият саройида бўлиб ўтди.

*(Давоми 2-бетда)*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлмиш она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2.»Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3.»Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий Қўмитасининг вазифаси этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак граждалик руҳидаги қўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4.Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5.Белгилаб қўйилсинки:

кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

6.Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасарруфидаги ташкилотларнинг ушбу кўрик-танловнинг саралаш босқичларини ўз маблағлари ҳисобидан ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

7.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ғолибларнинг республика якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8.Тошкент шаҳар ҳокимлиги республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш ва улар ижросидаги концерт дастурини намойиш этишда «Туркистон» саройини бепул фойдаланиш учун тақдим этсин.

9.Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрел

# «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

**Ватан – ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.**

**Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор. Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.**

**Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш – бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.**

Халқимиз, аввалambор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1091-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **«Ягонасан, муқаддас Ватан!»** республика кўрик-танловини эълон қилади.

**Танлов уч босқичда ташкил этилади:**

I босқич - 2009 йил 15 апрелдан 1 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

II босқич - 1 июлдан 20 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

III босқич - 20 июлдан 10 августгача

Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

**Биринчи ўрин учун**
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
9 000 000 сўм

**Иккинчи ўрин учун**
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
6 000 000 сўм

**Учинчи ўрин учун**
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
3 000 000 сўм

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Телефон: 239-43-73

# Баҳор, қиш... яна баҳор

*(Боши 1-бетда).*

Тадбирни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раисининг ўринбосари Муроджон Шарифжонов қисқача кириш сўзи билан очиб, сўзни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилшода Дадажоновага берди.

— Республикамизда таълим-тарбия жараёни ва уни жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг таълим-тарбия соҳасида чиқараётган фармон ва қарорлари таълим тизимини ривожлантиришдаги муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилмоқда. «2004 — 2009-йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол исботидир. Ана шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги асқотмоқда. Айниқса, педагогларимизнинг ижтимоий ҳимоясидан фақат қониқиш ҳосил қилиш мумкин. У мактаб маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Касаба уюшмаларининг бугунги ташаббусини ҳам фақат қўллаб-қувватлаш керак.





Шундан сўнг сўз олган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Пайзулло Паязов асосан жамоа шартномалари ҳақида фикр юритди.

— Касаба уюшманинг қуйи бўғини фаолиятини яхшиламасдан туриб, юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир ташкилот, муассаса ёки корхонада жамоа шартномаси тузилишига эришишимиз лозим. У ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи энг муҳим локал ҳужжатдир.

— Аввало, таълим фидойиларига ҳам ҳордиқ чиқариб, ҳам тажриба алмашиш имкониятини яратган касаба уюшмаларига миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар, — деди «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов. — Бугунги тадбирда иштирок этишимизнинг яна бир сабаби газеталаримизнинг асосий ўқувчилари, қолаверса, муаллифлари ҳам айнан таълим муассасалари ходимларидир. Шу боис биз фаолиятимизда ушбу соҳа вакилларининг ютуқ ва муаммоларига кўпроқ эътибор қиламиз. Ўқитувчи халқи ижодкор бўлади. Шунинг учун сизларни ижодий ҳамкорликка чақирамиз.

Очилиш маросимидан сўнг кун тартибига кўра қуйи касаба уюшма ташкилотлари ишини такомиллаштиришга йўналтирилган умумтаълим мактаблари касаба уюшма ташкилотлари раисларининг ўқув-семинари бошланди.

Кечки дастурдан жой олган туман умумтаълим мактаблари педагоглари меҳмонлар учун тайёрлаган маданий тадбир ҳақиқий байрамга айланиб кетди десак, муболаға бўлмайди. Улар томонидан сиҳатгоҳнинг маданият саройида ижро этилган куй ва қўшиқлар, рақслар, мактаб ҳаётига оид ичакузди ҳангомалар барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Семинар давом этмоқда. Педагоглар ушбу жараёнда Чортоқ, Норин, Уйчи туманлари умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари олиб бораётган ишлар билан танишишади. Шунингдек, сиҳатгоҳнинг даволаш муолажаларидан фойдаланиб, турли маданий-маърифий тадбирларнинг гувоҳи бўлишади.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# «Боғи дилкушо» мўъжизаси

## бутун мамлакат бўйлаб акс-садо берсин



***Баҳор таровати кишига ажиб бир жўшқинлик бахш этади. Шу боисми, ҳамма нимадир қилишга, ўзидан хотира қолдиришга ошиқади.***

Тарихдан маълумки, аждодларимиз юртни обод этишга интилишган. Масалан, соҳибирон Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг кўркам шаҳарларидан бирига айлантиришни мақсад қилган. Шаҳарнинг озодалиги жуда кўп манбаларда мадҳ этилган. Жумладан, тарихчи Ғаззолийнинг баён этишича: «Мухтасиблар кишилар кўчага тарвузқовун пўчоқлари ва бошқа чиқиндиларни ташлаб, йўловчилар учун сирғаниш хавфини туғдирмаслигини, оқава сувлар сачраб одамларнинг кийимини ифлос қилмаслигини, қассоблар кўча ё дўконларнинг олдида мол сўйиб атрофни ифлослантирмаслигини, ҳар ким ўзи кураган қорни ўзи тозалашини ва бошқа ободончилик ишларини қаттиқ назорат қилганлар».

Яна бир тарихчи ибн Халдуннинг ҳикоя қилишича, Самарқандда «оқар сув кирмаган бирор кўча, бирор ҳовли деярли йўқ эди, фақат баъзи уйларгина боғсиз эди». Одамлар кўчаларда ариқлардан оқиб ўтадиган зилол сувдан ичимлик ўрнида фойдаланган. Шунингдек, соҳибқироннинг буйруғи билан бир-биридан гўзал ўндан ортиқ боғ барпо этилган. Боғи нақши жаҳон, Боғи дилкушо, Боғи зоғон, Боғи беҳишт, Амирзода Шоҳруҳ боғи, Боғи бўлду, Боғи баланд, Давлатобод, Боғи чинор, Боғи нав ва Боғи жаҳоннамо шулар жумласидандир.

Таниқли олим А.Бердимуродов шундай ёзади: «Темур ҳижрий 788 (мелодий 1397) йилнинг кузида хушманзара Конигил воҳасида янги боғ барпо этишга буйруқ бердиким, у ўзининг гўзаллиги билан мамлакатдаги барча боғлардан ажралиб турсин...». Натижада ҳайратомуз, гўзал сарой ва шийпонлар, чорқирра хиёбон ва турли шаклдаги боғчалар билан зийнатланган боғ барпо этилди. Унга Боғи дилкушо деб ном бердилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Марғилоннинг анори ва ўриги, Бухоронинг қовуни ҳақида завқ билан ҳикоя қилар экан, Самарқандни «Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур», «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур» дея алоҳида эътироф этганда минг бора ҳақ эди.

Шундай экан, бунёдкор аждодларимизнинг вориси сифатида юртимиз ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг нафақат фуқаролик, балки фарзандлик бурчимиз ҳамдир.

Маълумотларга кўра, биргина пойтахтимизда бугун 190 дан ортиқ дарахт ва 30 га яқин бута турлари мавжуд. Ҳозир Тошкентда 5 млн.дан ортиқ турли дарахтлар бўлиб, ҳар йили юз минг тупдан кўпроқ кўчат, 2,5 млн.га яқин гул ва буталар экилаяпти. Шу боис Тошкентнинг кўкаламзорлаштириш даражаси Москва, Санкт-Петербург, Пекин ва Сиэтл каби шаҳарларга нисбатан икки-уч баробар ошиб кетди.



Мутахассисларнинг эътироф этишича, қарағай, арча, эман, чинор, қайин, лола дарахти, япон сафораси, мажнунтол ва шумтол шаҳримизда энг кўп экилаётган дарахт турлари ҳисобланади. Уларнинг кўпайиши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда шаҳар ҳудудида лайлакларнинг ин қура бошлагани қувонарли ҳолат. Тошкент ва унинг атрофида лайлакларнинг икки юзга яқин ини мавжудлиги ҳам шаҳар ҳавосининг яхшиланаётганини кўрсатади. Шунингдек, каштан ва игнабаргли дарахтзорларнинг кўпайиши пойтахтимиз боғ ва хиёбонларида олмахонларнинг кенг тарқалишига ҳам қулай шароит яратди.

Бу ҳол бизни уйғониш фаслининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб қолишга, унинг нафосатидан баҳра олибгина қолмай, муносиб ҳисса қўшишга ҳам даъват этади.

**Акмал ТОШЕВ**




# Темур тангалари

## ёхуд соҳибқироннинг иқтисодий қарашлари

Амир Темур етук сиёсатчи, улуғ ислоҳотчи, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг буюк ҳомийси сифатида қонунлар ва урф-одатларга асосланган қудратли давлат барпо этган. Айниқса, ул зотнинг марказлашган давлатнинг ягона пул-молия тизимини ташкил этган ислоҳотчи сифатидаги фаолияти тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилган.

Тарихда давлат бюджети 17-асрда Англия ва Францияда пайдо бўлган деб эътироф этилади. Ҳолбуки, Амир Темур салтанатида 14-асрдаёқ давлат бюджети мавжуд бўлган. Бюджетда тушумлар билан бирга чиқимлар ҳам қайд этилган. Биринчи вазир фойда, солиқлар қайд этилган китобни юритса, иккинчи вазир чиқимлар китобини бошқарган. Шу билан бирга келаётган йилдаги чиқимлар ва солиқлар миқдори ҳам олдиндан режалаштирилган.

«Темурийлар сулоласи тангалари» китобида ана шу тарихий ҳақиқат ўз аксини топган. Ўша даврларда Амир Темур ва темурийлар тангалари ўзига хос тарзда тайёрланган. Олтин, кумуш ва мис тангалар чакана савдо эҳтиёжини қондириш учун чиқарилган. Тангаларда акс этган ўсимлик ва геометрик безакларнинг мутаносиблиги, доиралар, юлдузлар буржи ўша даврдаги бошқа тангалардан фарқ қилган. Тангани юз томонида кўрагон (хон куёви) унвонига эга Амир Темур ва унинг остида «амири билан» изоҳи ва салтанатга ҳамду сано сўзлари битилган.

Тангани орқа томонида у зарб этилган ҳудуд номи,



санаси, калима битилган. Баъзи тангаларда уч ҳалқадан иборат тамға ҳам бўлган. Буни Испания элчиси Клавихо «Темур герби» деб атаган. Соҳибқирон ана шу белгини ўзининг фармони билан чиқарилган барча буюмларга қўйдирган.

Темур номи билан зарб этилган илк тангалар 1372 — 1373-йилларга оид. 1380-йилларда Амир Темур пул ислоҳотини ўтказган. 1393 йилдан бошлаб тангаларда «Тахт вориси Муҳаммад султон» деган ёзув қайд қилинган. Бу темурийлар давлатининг тахт вориси — Муҳаммад Султон бўлиб, у 1403 йилда вафот этган. Соҳибқироннинг барча ўлкалар учун ягона пул-молия сиёсатини унинг севимли невараси Мирзо Улуғбек охирига етказган.

Мирзо Улуғбек зарб эттирган тангаларда Амир Темур тамғаси бор. Аммо ундан олдин унинг отаси Шоҳрух Мирзо тамғаси туширилган тангалар ҳам муомалада бўлган. Барибир Улуғбек зарб эттирган кумуш тангалар жуда нодир ҳисобланган. Уларда соҳибқирон билан бирга Улуғбек номи ҳам битилган.

Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда илм-фан ва маданият, савдо-сотиқ ва халқаро муносабатлар равнақ топади. Савдо-сотиқ ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида мис тангалар ислоҳоти ўтказилади. У икки босқичда ўтказилган. Биринчи босқичда (1420) тангалар зарби марказлаштирилмаган. Улар кўплаб шаҳарларда: Бухоро, Қарши, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Шоҳрухияда зарб этилган.

Ислоҳотнинг иккинчи босқичида (1428 — 1429-йиллар) тангалар асосан Бухорода зарб этилган. Улуғбек шу давргача муомалада бўлган барча чақа пулларни ман этади ва бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳрухия, Андижон шаҳарларида бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб эттириб, муомалага киритади. Бу пуллар қисқа муддатда эски чақаларга алмаштирилади. Улар фуқаролар ўртасида «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шуҳрат топган.

Улуғбек ўтказган пул ислоҳоти янгича давлат сиёсатининг бир босқичи эди. Бу сиёсат ер солиқларини камайтириш ва шу орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эди.

Умуман олганда, бу ислоҳот катта аҳамиятга эга бўлган тадбир бўлиб, Мовароуннаҳрда янгича иқтисодий муносабатлар шаклланишига замин яратди.

Темурий шаҳзодалар орасида фақат Улуғбек соҳибқирон номини тангада зарб эттирган. Бу эса унинг нақадар доно сиёсатчи ва юксак маънавият соҳиби эканлигидан далолат беради.

Албатта, бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўтган давр иқтисодчиларидан тайёр жавоб топиш қийин, аммо уларнинг фикрлари келажак тўғрисида хулоса чиқариш имконини бериб, янги ғоялар учун замин бўлади.

**Гулсарвар РАУПОВА,**
**Тошкент молия институти талабаси**



*«Кўргим келяпти, ҳа-а! Олдингизга борай, майлими? Шундоқ эшикдан бир қарайману кетаман, хўпми? Нима? Энди нима қиламан? Э, ҳаммасидан бездим! Шу шаҳрингиздан ҳам! Мана, мендан ҳам ҳамма безор-ку! Бошимни олиб кетсамми деб қолдим. Қишлоққа. Аммамникига. Биргина ўша кампир тушунади мени! Бошқа ҳеч кимга керак эмас эканман! Билдим — ҳе-е-ч кимга! Бўпти, қайтиб сизга телефон қилмаганим бўлсин! Ҳа-а, Забаржад сўзим!»*

Эсингизга тушди-я? Ёмғир. «Йиғлаётган» телефон будкаси. Ва унда ўз эркини, изтиробини, умуман, Бору Йўғини ягона Дўстига улашаётган қиз....

Гапнинг ўғилболаси: бугун томошабин эс-хаёлини чирмовукдай қоплаган хом-хатала филмлар орасида бу қадар теран, самимий изтиробни учратиш амримаҳол. Боиси, асар самимий чиқиши учун дард тийран бўлиши керак! Йўқса, у ҳар қанча ялтироқ либосга ўраб-чирмалмасин, барибир, сунъийлигича қолаверади.

Таниқли ёзувчи ва кинодраматург Эркин Аъзамнинг қаҳрамонлари — чинакам ўзбек: бор дунёси — ўзбекона!

«Чантриморэ», «Дилхирож», «Эркак», «Забаржад», «Сув ёқалаб» сингари филмларнинг, эҳтимол, юрагимизга жиз этиб текканининг боиси ҳам шудир.

Кинодраматург билан суҳбатимиз-да айнан ўзбек киносининг бугуни ва эртасига бағишланди.

# ЎЗБЕК КИНОСИ:
## санъат зўрми, саноат?!.

**— Кино — санъатга тегишли тушунчами ё саноатга?.. Агар у санъатга тегишли бўлса, саноатдан бир қарич баланд турмоғи лозимми ёки, аксинча, саноатга дахлдор эса... санъатни тинч қўйиши кeракми?..**

— Санъат тушунчаси бўлмаса, кино деган гап ҳам бўлмас эди. Аввалида у, албатта, санъат тарзида, борлиқ, одам(лар) ва ҳодисаларнинг ҳаракатдаги тасвири сифатида, ҳаваскорлик иши бўлиб дунёга келган. Қизиқ-қизиқ воқеаларни тасвирга олиб, одамларнинг ўзига кўрсатиш дастлаб мўъжиза сифатида баҳоланган-да. Кейинчалик ушбу санъат турини ривожлантириш воситаси сифатида кино саноати юзага келган. Саноат — ишлаб чиқариш дегани. Шунинг учун ҳам дастлабки киностудиялар «кино фабрикаси» деб номланган, яъники — корхона! Фабрика эса, маълумки, бир хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Санъат — ноёб ҳодиса экани назарда тутилса, бир хил маҳсулотга айлангач, у оммалашади, оммалашган нарсанинг эса... ноёблиги қолмайди.

Санъатми ё саноат? Гарчи бу икки тушунча шаклан оҳангдош бўлса-да, шубҳасиз, санъат бирламчидир. Чунки санъат бўлмаса, саноат юзага келмас эди. Фақат кинодагина эмас, ҳар қандай саноат маҳсулотининг яратилишида, асл негизида биринчи навбатда... санъат, кашфиёт, ижод — демакки, тасаввур ва тафаккур ётади. Кейин эса ўша ижод намунаси ёппасига ишлаб чиқарила бошлайди. Боиси маълум: саноат ишлаб чиқаришсиз ўз маъносини йўқотади. Шаблонга кўчиш эса санъатнинг камёб ҳодиса сифатидаги кўркига путур етказади. Қолаверса, ишлаб чиқарилган маҳсулотни албатта бозорга олиб чиқиш керак. Бинобарин, бу ўринда барчаси **талаб** ва **таклиф** қонуниятига бўйсунади. Аммо санъат, барибир, эстетик ҳодиса. У, аввало, дид ҳароратини тақозо этади. Тасаввур қилинг: гулни мошинада ўриб, тахлаб, бозорга олиб чиқилса, у гўзаллик намунасидан кўра, оддий бир маҳсулот кўринишига киради. У ёғи эса маълум...

Кинонинг тижоратга айланиш ҳодисаси даставвал Ҳолливуд ва Болливудга ўхшаган йирик кино саноати марказларида авжига чиққан бўлса, мана, бугун «Ўзбеквуд»га ҳам етиб келди. Бизда ҳам шу кунда кўп маҳсулот чиқяпти. Албатта, уларнинг барчасини ҳам профессионал кино деб бўлмайди. Чинакам кино плёнкада суратга олинади. Плёнкада олинган филмни асрлар мобайнида сақлаш мумкин: бузилмасдан тураверади. Масалан, «Дилхирож» филмимизни Япония кино музейи сотиб олган. Кунчиқар юртга борганимизда «бу энди қанча вақт сақланади?» деб сўрасак, «икки юз йил» деб жавоб беришди. Шунда «яхши, икки юз йилдан кейин келиб хабар оламиз» деб ҳазиллашувдик, улар плёнкани абадий сақлаш имконини берадиган технология яратишни ваъда қилишди.

Гарчи бугун филмни рақамли видеокамера воситасида суратга олиш арзон ва ўнгайроқ саналса-да, бунда техник сифат масаласида чатоқлик бор. Эстетик сифатни-ку аллақачон ерга уриб бўлдик. Бугун тузук-қуруқ китоб ўқимаган, ҳатто диктантни ҳам бехато ёзолмайдиган, лекин кино олишга ва роль ўйнаб «юлдуз» бўлишга ишқибоз бир тўда йигит-қиз зўр ғайрат билан «эъжод» қилмоқда. Нимаям дердингиз: демократия! Таассуфки, бундай «эъжод» намуналарини одамлар ҳам гурос-гурос ёпирилиб келиб кўрмоқда.

Албатта, санъат саноатдан бир қарич эмас, осмон қадар баланд турмоғи лозим. Чунки санъат қалб ҳароратидан яралади, саноат эса — машиналашув демак. Энди, хомтама бўлманг, бозор шароитида саноат санъатни барибир тинч қўймайди. Чунки унинг асосий «емиш»и санъат...

Энг қизиғи, бугун шу тур саноат маҳсулотини ишлаб чиқараётган ўша, киночиларнинг ўзи истеҳзо аралаш «хонтахта» деб атайдиган филмлар «эъжодкор»лари ростакам санъаткорликка даъво ҳам қилаётгани йўқ-да! Санъат саройида сурункали намойиш қилинаётган шундай филмларни олган «кепкали»лардан бирортасини чақириб, «санъат асарими бу?» деб сўрасангиз, «ака, бизнинг санъат-панъат билан ишимиз йўқ, сиз айтаётган кинолар фестивалга ярашади, ундан одамлар зерикяпти, бизникини эса, мана, маза қилиб кўришяпти» дейди. Шу ўринда қирғиз эпосидаги ғалати бир ҳолат эсимга тушиб кетди: Манасни лашкаридаги кўпчилик танимас экан. Энди, аскар кўп бўлганидан кейин саркардасидан узоқлашиб кетган-да. Шундайдин, ёмон қовуннинг уруғидай болалаб кетган бу филмларнинг «эъжодкор»лари ҳам дастлаб ишни санъат деб бошлаган бўлса-да, бугун САНЪАТдан а-ан-ча нари кетиб қолишган...

**— Бир пайтнинг ўзида ҳам эътироф, ҳам инкор этувчи ҳодисалар сирасига кирадиган санъат асарини Альбер Камю воқелик ва хаёлот кесишган нуқтада кўради.**

**Аммо бугунги аксарият ўзбек филмлари қуруқ сюжетдан нари ўтолмаётгандек, назаримизда. Ахир, рамз билан фикр айтиш, тасаввурнинг кишибилмас сарҳадларига кириб бориш... кинога ҳам дахлдор бўлса керак, нима дейсиз?**

— Жавобни ҳам ўзингиз айтиб турганингиздан кейин мен нима дейин? Рамз ва тасаввур дунёси, албатта, кинога ҳам дахлдор. Лекин бугун қуруқ воқеанавислик, баёнчилик иллати адабиётдан кинога ҳам кўчган. Мана, «бозор адабиёти», «бозорбоп кино» деган тушунчалар пайдо бўлди. Ўзбек томошабинининг ана шундай «ялтироқ», «хонтахта», умуман, хом-хатала филмларга берилиб... жиддий, ўйлатадиган, бадиий мукаммал киноларга тиши ўтмай қолаётгани мени ташвишлантиради. Бугун халқаро эътирофларга сазовор бўлган санъат асарларидан, дейлик, рус ижодкорлари яратган «Возвращение», «Изгнание», «Остров», «Двенадцать» сингари филмлар роса реклама қилиниб, кейин намойиш этилса, ўн-ўн беш дақиқадан сўнг залда йигирмалар томошабин қолса кераг-ов. Сўрасангиз, кўпчилиги ё ёзувчи-шоир, ёки журналистми, санъатшуносми, қисқаси, зиёлилар вакили бўлиб чиқади. Ана шу аҳволга тушиб қолдик: тилло билан миснинг фарқига боролмаяпмиз. Лекин ўша мисни тақдим этаётганлар унга шундай ишлов берадики, билмаган одамнинг кўзига у тиллога ўхшаб кўринади. Анови филмлардаги манзаралар, декорациялар, мусиқалар, сулув қизлар, хушбичим йигитчалар... ҳаммаҳаммаси чиройли-да. Албатта, тасвир бирор-бир бойваччанинг дабдабали хонадонида олинади. Ва албатта, «иномарка» миниб юрган ёш-яланг ҳақидаги, оврупоча ҳашаматли офисларда кечадиган воқеа-ҳодисалар мураккаб ва шафқатсиз ҳаётнинг турли қийинчиликларидан безган оммага жозибали туюлади. «Қоғоз барчасига бардошли» деган гап бор эди, буёғига камера ҳам ҳаммасини олавераркан-да.

Худди ҳинд томошабинлари сингари бугунги ўзбек киномухлислари ҳам «бош оғритмайдиган» филмларга ўч бўлиб боришаётир. Нима эмиш, кинога дам олиш учун келишармиш. Дам олгинг келса, ана, циркка, зоопаркка ё концертга бор, дейдиган мард йўқ. Нима, Навоий ёки Достоевский асарларини дам олиш мақсадидагина ўқиймизми? Инсоният бундай даҳоларсиз яшолмайди-ку!

Ўқигандирсиз, Чеховнинг «Степь» («Дашт») деган ҳикояси бор, тахминан юз бетларча. Унда деярли бирор-бир тайинли воқеа содир бўлмайди. Онаси болани тоғасига қўшиб, олис бир шаҳардаги дугонасининг уйига жўнатади. Асар фақат тасвирдан иборат: дашт, ташландиқ қишлоқ, кўрғонлар, турли йўловчилар... Аммо мен ҳануз шу ҳикояни маза қилиб мутолаа қиламан. Асл санъат асари юракка таъсир кўрсатади, чунки у қалб ҳароратидан яралади-да.

**— «Одамнинг маънавий эҳтиёжига дахл қилиш эвазига келган ютуқни санъатнинг муваффақияти деб бўлмайди»,—дейди Пьер Лагерквест. Негадир сўнгги йилларда юртдошларимиз орасида фикрлашдан қочиш ҳолати кўзга ташланмоқда. Эҳтимол, бугун ёмғирдан кейинги қўзиқориндай потирлаб чиқаётган «бир марталик» (одноразовый) филмларнинг беармон урчишига шу ҳолат ҳам сабаб бўлаётгандир?**

— Ўша Пьер Лагерквест жуда тўғри гапни айтган экан. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳолат санъатнинг эмас, саноатнинг ютуғи бўлиб чиқаётир. Бугун бутун дунёда шу икки қутбнинг кураши кўзга ташланмоқда.

Тараққиёт одамзотни фикран танбаллаштириб қўйдими деймaн. Бугун баъзилар пул чиқмайдиган нарса ҳақида бош қотириб ҳам ўтирмайди. Кино кўргани, уни кўриб изтиробга тушгани (агар юракни «ишлатиш»га рози бўлса, албатта) учун унга биров бир тийин ҳам бермайди-да.

Чинакам санъат асари ҳамиша янги бўлади. Янги қараш, янги услуб, янги нафас... бўлмаган асар санъатга дахлдор эмас. Мухлис бундай янгиликни дафъатан ҳазм қила олмайди. Оммабоп асарлар эса ҳаммабоп бўлади. Бугун «бозор матбуоти»да роса харидоргир бўлаётган беллетристика сингари «ялла» филмлар ҳам қуруқ воқеанависликка асосланаётир. Уларда на қаҳрамон ички дунёсининг теран таҳлили, на рамзлар воситасида фикр айтиш, умуман, тасаввур ва тафаккурдан дарак ҳам йўқ. Лекин томошабинга ҳам, айтайлик, «Йўл бўлсин» ё «Чашма»даги бирор бир рамзнинг мағзини чақишдан кўра, жўн бир воқеа қизиқроқ-да. Шу йигит шу қизга уйланадими ё яна битта янгисини топадими ёки қиз уни бутунлай ташлаб кетадими — мана, аксарият томошабинни бугун нима қизиқтиради? Биз томонларда «Шу аммамга шу язнам» деган



# ЮЗМА-ЮЗ



бир гап бор. Шундайин, дидсиз томошабинга ҳам хом-хатала кино-да!..

Мана, ўзингиз бундай киноларни «бир марталик» деяпсиз? Одноразовый! Демак, бии-р марталик экан-да. Бир кўринади-ю, даф бўлади: хайр, алвидо! Лекин шундай «бир марталик»ка ўрганиб қолган томошабин-чи? Унинг диди-чи? Савияси-чи? Шу ёғини ҳам ўйламоқ керак-да.

**— Модомики, ижтимоий воқеликка мурожаат қилиш публицистикага дахлдор экан, бугун бирор-бир ҳукмрон мафкуравий метод бўлмаса ҳам аксарият бадиий асар ёки кинофилм сифатида тақдим этилаётган «эъжод» намуналарида ҳануз соф санъаткорона нигоҳ ўрнига публицист қарашлари кўзга ташланмоқда. Ахир, САНЪАТ муайян бир доирадаги одамларга эмас, бутун башариятга тегишли ҳодиса-ку?..**

— Тўғри, бизда адабиёт билан журналистика қоришиброқ кетган. Даврни, замон одамларини акс эттириш керак деган талабни ҳам адабиётга, ҳам журналистикага баравар қўяверамиз. Агар бадиий асар кўчадаги манзарага мос келмаса, дарров аюҳаннос солинади: туҳмат, воқелигимизга мос келмайди!

Аммо адабиёт, умуман, санъат аввало, тасаввур меваси эканини унутиб қўямиз. Асосий қуроли образ бўлган санъат ҳаётнинг айнан нусхаси эмас, балки бадиий инъикосидир. Албатта, тасвирланаётган воқелик маълум бир замон ва маконга асосланади. Бироқ ҳужжатли филмга тортадиган бу юкни кинофилмга юклаш, очерк ёки фельетонда ҳам ифодаласа бўладиган ҳодиса учун бадиий адабиётни «овора қилиш» шарт эмас-ку! Соф санъаткорона нигоҳ марказида ҳамиша Инсон (унинг кўнгил дунёси, кечинмалари, қайғу ва қувончлари) туради. Уни маълум бир ғоявий йўналишга буриш йўлидаги ҳуда-беҳуда уринишлар эса кечаги кунларнинг оқавасидир.

Кино — санъатнинг энг оммабоп ва ҳозиржавоб соҳаларидан. Шундай экан, унинг воситасида инсоний туйғуларни тарбиялаш самаралироқдир. Ҳукуматимиз, биринчи навбатда, **ўзбек кино санъати**ни ривожлантириш ҳақида фармон чиқарган, кино саноатини эмас! Бундай ғамхўрликка муносиб бўла олмасак, нонкўрлик қилган бўламиз.

Яна бир муҳим жиҳат: санъат гарчи умуминсоний ҳодиса бўлса-да, у ҳар доим ҳам миллий ва диний... қобиқларга сиғавермаса-да, барибир, санъаткорнинг муайян миллатга мансублигини унутишга ҳаққи йўқ. Эсдан чиқарманг: биз, аввало, ўзбекмиз! Бу — қисмат! Дунёга ўзбек-ёзувчи, ўзбек-актёр, ўзбек-ҳофиз... сифатидагина чиқа оламиз, холос. Бу — қобиқ эмас, балки ўз қуршовимиз, теграмиз, доирамиз... сарҳадидаги эркин бир кенгликдир.

**— Забаржадингиз — жуда мураккаб образ: эрк ва догма ўртасидаги саргардон аёл. Гарчанд айрим қилмишлари (масалан, беникоҳ бола орттириши) тасаввурдаги Шарқ аёлига хос бўлмаса-да, негадир, томошабин уни ҳеч ҳам ёмон кўра олмайди, ёзғирмайди. Умуман, мен «Эркак», «Жаннат қайдадир», «Забаржад» филмларида бугунги ўзбек аёли танла(ёт)ган ўрин борасида жуда чуқур, беҳаловат бир хавотирни кўргандай бўламан...**

— Асарга маълум бир ахлоқий мезонлар, ўша сиз айтган догмалар асосидагина эмас, балки мураккаб ҳаёт ҳақиқати, бадиий эстетик идея нуқтаи назаридан ҳам қараш керак.

Забаржаднинг тақдирини назарда тутиб, атрофга боқинг: у ягона ҳодисами? Теварагимизда минглаб Забаржад! Адабий Забаржад эса уларнинг айнан нусхаси эмас, балки «ишлов берилган» бир кўринишидир. У догмалар доирасида қолмай, кўнглига қараб яшайди. Забаржаднинг мен учун энг қадрли жиҳати — у ҳеч қачон кўнглига қарши бормайди. Бугун унча-мунчага хиёнат қилиш ҳам гўёки бир таомилга айланиб қолаётгандек. Кўнгил дегани билан-ку биров ҳисоблашмай қўйди. Забаржад эса яккаш кўнгли буюрганини қилади. Унинг жонлилиги, жозибаси ҳам шунда. Забаржад отасининг ўлимида ҳамиша ўзини айбдор санайди. Асарнинг дастлабки номи «Мулк» эди. Эсингизда бўлса, Забаржаднинг бир гапи бор: мулк сотилмайди! Кўнгил мулкини савдога қўйиб бўлмайди! У одатдаги турмуш тарзини танласа ҳам бўларди. Аммо умр бўйи отасини эслатадиган одамни излаб яшайди. Ундан фарзанд кўриб —идеалидаги одамни ҳаётга қайтариб, шу йўл билан гўё «айб»ини ювмоқчи бўлади. Бунда айрим мутахассислар Зигмунд Фрейд назариясини ҳам эслашди. Тўғриси, мен Фрейдни ўқиб шундай асар ёзаман деганим йўқ. Қолаверса, Забаржаднинг отасига бўлган меҳри тамоман бошқача. Уни фақат айбдорлик ҳисси қийнайди. Гарчи баъзи қилиқлари кўча қизларига ўхшаб кетса-да, у отасини эслатадиган ўша одамга ҳеч бир таъмасиз кўнгил қўяди. «Сизни ҳар-ҳар замон узоқдан бир кўриб турсам бас» дейди...

**— Шу ўринда қизиқ бир жиҳатни сўрасам: филмда нега Забаржад севган одамнинг юзи кўрсатилмайди?**

— Бадиий кенгашда ҳам шу масала кўтарилган. Мен айтганманки, ахир у — Забаржаднинг идеали! Агар унинг юзини кўрсатсак, ўша идеалга путур етади. Қиз шу ҚИЁФА йўлида ҳаммасидан воз кечяпти-да. Лекин эвазига у ҳеч нарса сўрамайди, гап шунда.

Яна бир талқиним: биз эркаклар бундай мардона аёллардан уялишимиз керак. Шунинг учун ҳам «дўст»и уялди, юзини биздан яширди; мен ҳам Забаржаддан уяламан.

Бир вақтлар таниш қиз-жувонлар менга «Нима, аёлларни шу даражада ёмон кўрасизмики, ёзганларингизда ҳамиша уларнинг нобопроқ жиҳатларини тасвирлайсиз?» дея таъна қилишарди. «Отойининг туғилган йили»ни ўқиб шундай фикрга боришган бўлса керак-да. Бугун ўйлаб кўрсам, мен шунчаки бир соддалик билан аёллардан идеал қидирган эканман, холос. Аёлларнинг ёмони учун ҳам аслида биз эркаклар айбдор эканмиз. Яна бир гапни айтсам, кулмайсиз: менинг дунёдаги энг бахтиёр аёлга ҳам, негадир, раҳмим келади. Бу туйғу ҳам аёл зотидан юққанига шубҳам йўқ...

**— Охирги савол: ўзбек киносининг яқин келажагини қандай тасаввур қиласиз?..**

— Башоратчилик қўлимдан келмайди. Лекин, шуниси аниққи, таомнинг таъми қозонга тушган масаллиққа боғлиқ. Кино атрофида юрган одамлар қандай бўлса, кино ҳам шундайдир. Бир рус кинорежиссёри «какой народ — такое кино» деган экан.

Кино, бошда ҳам айтдик, санъатлар орасида энг ҳозиржавоби, оммабопидир. Биз кино воситасида кўп нарсага эришсак бўлади. Бунинг учун икки томон ҳам... томошабин диди ва кино асарлар асл санъат нафасини ҳамиша димоғида туйиб туриши лозим.

Дейлик, бирор яхши филм кўрсак, уни қайси миллат вакили ишлаганига ҳам қараймиз, албатта. Кино миллат руҳини ифодалайди. Бугун эса на ўзбек киночилари ва на томошабинлари раҳматга муносиб. Афсуски, манзара шундай.

Назаримда, ўзбек киноси раҳбарияти чинакам санъат йўлида эмас, балки бошқа мақсадлар билан яшаётгандек. Бугунги мавжуд аҳвол шу хулосага олиб келмоқда. Ахир, улар асл санъат тарафдори бўлса, бундай енгил-елпи, хом-хатала филмларга йўл бермас эди. Шунинг учун, бугун кинонинг бошида турган раҳбарларга Худодан инсоф, биз томошабинларга эса сабр тилаб суҳбатни якунласак.

**Умид ЯЪҚУБОВ**
**суҳбатлашди**

**PS:**



Бадиий асар ўқиш учун ёзилгани сингари кинофилм ҳам кўриш учун ишланади. Агар томошабин филмни қабул қилмаса, бу учун ё ижодкорлар ёки «аудитория», ёхуд асар айбдор...

...десак, бирёқлама фикрлаган ва хулоса ясаган бўламиз. Зотан, **табиий танла(ни)ш** нафақат жисман, балки руҳан ҳам кечадиган жараёндир.

* * *

# Тескари теорема

Гапнинг очиғи, «Сув ёқалаб» киноқиссасини ўқиб чиқарканман, унинг менга бу қадар таъсир қилганига ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Эҳтимол, бунинг сабаби — таниш манзаралару психологияда ёки неча-неча тонгларни кутиб олганим қулоқбошидаги кечинмаларни эсимга солганидадир. Билмадим. Билганим — шу ҳолатга бир олам рамз юклаш мумкинлиги ҳеч хаёлимга келмаган экан.

Филмда воқелик ва рамзни мувофиқлаштириш йўлидаги уринишлар эътирофга лойиқ: Болта Мардоннинг (Эркин Комилов) тушини обдастадан тушаётган сувга айтиши (боғ қақраб ётибди); тушда унга отаси айнан тут дарахтини кесгани учун (тут — барака тимсоли) танбеҳ бериши; қулоқбошидаги Ўрин Жаганинг ғариб чайласида «Дайди» филмидан олинган «Аварамү» қўшиғининг таралиши (ҳатто, кино охирида миробнинг чайласи ёнганда ҳам қўшиқ тинмайди); собиқ раис ёқалаган сувни йўлдаги одамлар худди осмондан тушгандай бемалол бойлаб олиши (уларнинг ҳар бири жамиятнинг турли ракурсдаги кўринишларидир: эски ўғри бўлмиш Бозор сариқ... Валентина «ўрнига туғилган» Ҳасан-Ҳусаннинг хотинлари... Ботир «барибир, сени яхши кўраман» деб ёзиб, анҳорга ташлаган хатни эрига ўйнаши битган деб ўйлаб можаро кўтарган хотин... эри Россияга ишлагани кетган, ўзи эса ҳирс (Қодир) қаршисида япроқдек бемажол тебранаётган жувон...); Болта Мардон кенжа ўғлига *«Кўнглингга қара, болам! Аммангнинг қизига кўнглинг бўлмаса, очиқ айтавер, тўй қолади! Лекин уйлансанг шундай бировини топиб хотин қилгинки, сира-сира жонингга тегмасин...»* деган сўзларни айнан **кўприк**дан ўтаётиб айтиши; чархпалакнинг ёниши (сув обкеладиган кўҳна





қурилмага ўт кетди, энди янги чархпалак ясалиши керак); раис тушидаги тут ва супани бир пайтлар яхши кўрган аёл — Шарофатнинг ҳовлисида учратиши; шунча оворагарчилик билан боғланган сув ўз боғига етиб келмаслиги... ва... у тут танасини қучоқлаб бу дунё билан хайрлашаркан, саратоннинг ўртасида шаррос ёмғир қуйиши *(ёмғир — илоҳий ришта тимсоли)* ҳамда унинг вужуди остидаги арикчадан оқаётган сувда олмалар ва дўппининг оқиб ўтиши шулар жумласидандир.

Филмдаги энг эътиборли образлардан бири, шубҳасиз, кўзи басир бўлсада, қалби теран Ҳамро бободир. Айнан шу бованинг ҳикматомуз сўзлари туфайли асарнинг «қизил ип»и бўлмиш рамз — сувнинг сири очилади: у — **ҳаёт, тириклик, ёруғлик тимсоли!**

Боғ ва қулоқбошини бирлаштирган ариқ эса — раиснинг умри (у ўша куни ҳаётини яна бир бор яшаб кўради). Уч ўғил — Болта Мардоннинг феълидаги уч кўриниш: каттаси Амир — кибрлик, ўртанчаси Қодир — чапанилик (гарчи у довдирроқ бўлса ҳам), кенжаси Ботир — мулоҳазалилик рамзлари. Қизи Зулфия эса — раиснинг оғриқ нуқтаси: палахмон тошини отишдаги хато!

Ва, албатта, Шарофат!..

Раис уни уйлангач, яхши кўриб қолади, аммо оиласининг бузилишини ва жамият олдидаги обрў-эътибори йўқолишини истамайди. Буни ҳатто тан ҳам олади («Нима, ота пайғамбар бўлибдимми?..»). Болта Мардон ҳамиша кўнглидан кўра догма доирасида яшаган одам. Бу унинг ўғли олдидаги иқрорида ҳам кўринади: *«Нолиган — ношукур дейдилар. Энангни айтаманда, яхши хотин. Ювош. Мана, сенларни туғиб берди, катта қилди. Ўзим ҳам ундан бирор ёмонлик кўрмадим. Лекин кўнгил қурғур ҳе-еч... билмадим — нимага...»*.

Унинг дилидагини эса ёлғиз Ҳамро бобо топиб айтади: *«Бу деймам, сувлар ҳам энди бир-бирига қўшилиб, аралашиб кетгандир-а, Болтабой?.. Баҳри уммонга қуйилганда ҳам аралашмайдиган жаннат сувини айтамандa. Орада ҳарирдек бир нимарса бўлармиш — қўшилмоққа, айнимоққа қўймасмиш шу. Агар аралашса, билингки, рўзи қиёмат яқин!»*.

Бир умр одамларни деб яшаган одам — Болта Мардон умридан рози бўлдими ё афсус чекди? Менимча, у ҳаммасини борича яшади. Ва унга яна барчасини бошидан бошлаш имкони берилганида эди, ҳеч иккиланмасдан, гарчи қақраб ётган боғига бир қатра ҳам сув етиб келмаса-да, ҳаммасини одамлар тортиб олса-да, барибир, **тағин сув бойлаган бўларди.** Чунки у бошқача яшолмас эди.

Филм бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, киноқиссадаги ариқнинг ёниш эпизоди ишланмаган; тил масаласида ҳам нуқсонлар учрайди: қаҳрамонлар «бориб эдим-келиб эдим» деб турган жойда Ўрин Жага (Жамшид Зокиров) раисни «дода» дейди; киноқиссада Болта Мардон ўғли билан тутиб олган гуноҳкор жувон шумшайиб ўтириб, кўмирга ўхшаган қора алланима билан заранг пуштага «Энди нима бўлади?..» деб ёзса, кинода оҳак билан худди жой номидек йирик-йирик битилган ёзув ўзини оқламаган. Қолаверса, асар охирида кенжа ўғилнинг чорпоядаги тут остида Шарофат билан йиғлаши ҳам сунъийдек...

Булардан қатъи назар, «Сув ёқалаб» — ўзбек киносида ўзига хос **ҳаётий лирика** ва **умр мазмунига жавоб ахтарган жонсарак нигоҳ**ни жамлаган филм. Уни ҳамиша такрор ва такрор томоша қилса бўлади.

* * *

*Агар санъат саноат бўлмоққа рози бўлмаса, унда саноатни аслига — санъатга эврилтириш лозим...*

Афсуски, барча теоремалар ҳам ҳамиша ҳаётда ўз ифодасини топавермайди. Бунинг учун айниятни исботлаш керак. Бу борада эса ВАҚТ билан беллашиш беҳуда: барибир, ютқазамиз!

Ishonch 2009-yil 9-aprel № 43 (2612)



# Қонунни менсимаган... уялиб қолади



**Ишқ хоҳад к-ин сухан берун бувад,
Ойина ғаммоз набуди чун бувад.**
**Жалолиддин РУМИЙ**

## Оворагарчиликнинг бошланиши

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ
ИНСПЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА

ОЗОД ЭТИЛГАН ДЕБ ХИСОБЛАНСИН
Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 100-моддаси 4-бандига мувофик

Абдурахимов Худайберди Каршибоевич – Жисмоний шахсларга солиқ солиш ва декларация шўъбаси солиқ инспектори билан номуаййан муддатга тузилган мехнат шартномаси 2007 йил 03 июлдан бекор килиниб эгаллаб турган лавозимидан;

Асос: ДСИ Касаба уюшмасининг 2007 йил 10 сентябрдаги йиғилиш қарори

Жиззах шахар Давлат солик инспекцияси бошлиқ в/б — Ш.Кўшақов

Кейинги пайтларда солиқ идорасидан «нотўғри бўшатишди» деган мазмундаги шикоятлар бироз кўпайдими дейман. Солиқ идораларида қандай одам ишлаши керагу, кимлар ишдан бўшатилаяпти, кимлар ишга олинаяпти — ёзадиган мақоламиз бу ҳақда эмас. Аммо ҳамма жойда ватанини севадиган киши ишласа, деган орзу ҳам йўқ эмас. Муҳими, меҳнат қонунчилигига қандай риоя қилинаяпти? Гап шу ҳақда.

Шикоят, протест, яна шикоят, яна протест. Бу карвон бизга ҳам етиб келди. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Қангли қишлоғидан: «Жиззах шаҳар ДСИ бошлиғи мен билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилди», — деб ёзади Х.Абдураҳимов. Биринчи инстанция суди унинг даъвосини рад этган. Иш айланиб келгач, яна рад қилган. Бир даста ҳужжатлар орасида биринчи босқич судларининг ҳал қилув қарорлари йўқ. Ҳар гал шундай бўлади. Аризачи ҳужжат унинг зарарига чиқарилган бўлса, тақдим этмайди. Фойдасига бўлса, бир парча варақни ҳам илова қилади. Майли, таҳририят суд эмаски, ҳамма учун мажбурий қарор чиқарса. Мақсад — ҳолат юзасидан холисона фикр юритиш, ҳуқуқни тушунтириш, кишиларда қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотишдан иборат. Мавлоно Румийдан келтирилган маснавийда қайд этилганидек, ...сўзни ошкор қилишни хоҳладик, ойина кўрсатмаса ойина бўладими?

## Сарсон-саргардонликда

Хўш, даъво нимадан иборат? Х.Абдураҳимов 2005 йил декабр ойидан Жиззах шаҳар ДСИ жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат бўлими декларация шўъбасида солиқ инспектори лавозимида ишлаб келган. ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчининг 2007 йил 11 сентябрдаги буйруғи билан МКнинг 100-моддаси 2-қисмининг 4-банди асосида эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Касаба уюшмаси мажлисига таклиф қилинмаган, ишга чиқмаганлик сабаблари ўрганилмаган.

Шунинг учун буйруқни бекор қилиб, ишга тиклаш ва бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришни сўрайди. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2007 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилади. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 24 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

2008 йил 14 май куни фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг раиси мазкур иш бўйича вилоят судининг раёсатига назорат тартибида протест келтирган ва ўша куни «вилоят суди раёсатида (таркиб) кворум йўқлиги сабабли» Ўзбекистон Олий судига юборган.

2008 йил 21 июл куни Олий суд раисининг ўринбосари Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ушбу иш бўйича назорат тартибида протест келтирган. Ва у 2008 йил 11 августда Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилиб, Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 24 январдаги ажримини бекор қилиш, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юбориш ҳақида ажрим чиқарилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция судлов ҳайъати эса 2008 йил 11 сентябр куни шундай ажрим қилди:

«Мазкур иш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2007 йил 25 октябрда даъвогар Х.Абдураҳимовнинг жавобгар Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекциясига нисбатан «ишга тиклаш ва бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириш ҳақида»ги фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Фуқаролик иши янгидан кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига юборилсин».

Жиззах туманлараро суди 2008 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг талабларини рад этди.

Ва ниҳоят...

«Суднинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, даъвогар Х.Абдураҳимов кассация тартибида шикоят келтириб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган», — дейилади фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг ажримида.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди дастлабки суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва янги ҳал қилув қарори чиқаришни лозим топди. Нима учун?

2007 йил 24 июлда ўтказилган хизмат текшируви натижасида Х.Абдураҳимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида хулосага келинган бўлишига қарамай, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ орадан 1 ой 18 кун ўтганидан кейин 2007 йил 11 сентябрда чиқарилган. Ҳолбуки, МКнинг 182-моддаси 5-қисми талабига кўра интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин бир ой ичида қўлланади.

Х.Абдураҳимов нега ишга чиқмаганлиги ҳақида ундан тушунтириш хати олинмаган. Унинг ДСИ бошлиғи номига 2007 йил 26 июнда хизмат гувоҳномасини бошлиқ ўринбосари олиб қўйганлиги юзасидан ёзган аризасига жавоб берилмаган.

Биринчи инстанция суди буларни эътиборга олмаган.

Ҳа-я, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши юридик бўлимининг хатида ҳам Меҳнат кодексининг қатор моддалари талаблари бузилганлиги қайд этилган.

## Муносабат

Майли, ўзимиз ҳам қоғозларга бир дафъа кўз ташлаб кўрайлик.

Х.Абдураҳимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа ташкилот бошланғич касаба уюшмасининг розилик бериш тўғрисидаги қарори ягона асос қилиб олинган. Нега хизмат текшируви хулосаси эмас? 2007 йил 24 июлда ўтказилган хизмат текширувида «аниқладик» деб ҳеч нарса аниқламаганликлари, текширишни вақтинча тўхтатиш лозимлиги кўрсатилган бўлса, буни асос қилиб бўладими? Ажабланарли томони шундаки, ҳатто нуфузли ҳужжатларда: «2007 йил 24 июлда ўтказилган хизмат текшируви натижасида Х.Абдураҳимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида хулосага келинган», — дейилади, яъни ўша кун ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кун деб белгиланади.

Кадрлар бўйича инспекторнинг бир ярим ой мобайнида раҳбарга ёзган билдиргилари деярли бир хил (даъвогарнинг «булар сохта» дегани ростга ўхшайди). Саналар ўзгарган холос. Визалар ҳам ўхшаш: «Чора кўринг», «Чора кўринг», «Чора кўринг»...

Дарвоқе, ўрталарида сал бошқачароқ виза ҳам бор:

«Касаба уюшмаси хулосасини олиб, ишдан озод қилиш бўйича буйруқ чиқаринг».

Биринчидан, касаба уюшмаси эмас, касаба уюшмаси қўмитаси;

иккинчидан, хулосаси эмас, жамоа шартномасида кўзда тутилган бўлса, розилиги олинади;

учинчидан, касабақўмнинг қандай фикр бериши иш берувчига олдиндан аён эканда.

Ҳужжатлар бир-бирини инкор этади. Бир сана назарда тутилган ҳужжатларнинг бирида «Х.Абдураҳимов ишга келмади» дейилса, иккинчисида «ўз вақтида келмади» дейилган. «Касаба уюшмаси йиғилиши баёни», «умумий йиғилиш қарор қилади» дейилган бўлса-да, баённомадан касабақўм раиси ва 4 аъзоси қатнашганлиги кўриниб турибди. «Атрофлича муҳокома қилинди» дейилса-да, иккитаси «ўзига яраша фикр» билдирган. Бунинг устига «айбдор» касаба уюшмаси аъзоси ўзига тааллуқли масала кўриб чиқилаётганда йиғилишда шахсан иштирок этмаган. Бу билан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг устави талаби бузилган.

Биз буларни кадрга оид муҳим масала ҳал қилинаётганда шунақа ҳам муносабат бўлишини кўрсатиш учун келтирдик, холос.

## Сўнгги нуқта

Охири фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг кассация инстанцияси ажрим қилди:

«Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2008 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин ва янги ҳал қилув қарори чиқарилсин.

Даъвогар Х.Абдураҳимовнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Жиззах шаҳар ДСИнинг 2007 йил 11 сентябрдаги даъвогар Х.Абдураҳимов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 125-шт-сонли буйруғи бекор қилинсин.

Даъвогар Х.Абдураҳимов Жиззах шаҳар ДСИ жисмоний шахсларга солиқ солиш ва декларация шўъбасига солиқ инспектори вазифасига ишга тиклансин.

Жавобгар Жиззах шаҳар ДСИдан даъвогар Х.Абдураҳимов фойдасига мажбурий бекор юрган вақти учун 1.414.525 сўм иш ҳақи ундирилсин».

Ва ҳоказо...

**Мақолага сўнгги нуқта қўйилаётганда оворагарчиликка ҳам сўнгги нуқта қўйган ҳужжатни олдик:**

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИК
ИНСПЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА

ТАЙИНЛАНСИН
Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 111-моддасига мувофик

Абдурахимов Худайберди Каршибоевич
Жисмоний шахсларга солик солиш ва деклорация шуъбаси давлат солиқ инспектори лавозимига;

Асос: Фукаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2009 йил 26 февралдаги 4-25 хал килув карори

Жиззах шахар Давлат солик инспекцияси бошлиги — Ш.Кўшақов

**Довуд МАДИЕВ, ҳуқуқшунос-журналист**

# Болангиз сўконғичми?



Тилга эътибор — элга эътибор.
**Алишер НАВОИЙ**

Инсон умрининг энг гўзал фасли — болалик, ўспиринлик чоғларидир. Бу давр нечоғли шитоб билан ўтмасин, унинг ҳар лаҳзаси инсон хотирасида бир умр муҳрланиб қолади. Энг муҳими, ҳар бир кишининг феъл-атвори, истеъдоди болалик йилларида шаклланади. Улуғ аллома ибн Сино таъкидлаганидек, инсон умри иморатининг пойдеври 18 ёшгача қўйилар экан.

Болалар — келажагимиз! Ер юзидаги жамики маърифатли кишилар тинчлик, осойишталик учун интилар экан, бу олижаноблик замирида ёш авлоднинг истиқболи учун қайғуриш туйғуси ётади. Бугун ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсон қилиб тарбиялаш учун барча имкониятлар мавжуд, лекин...

Кўча-кўйда, бозорларда сўкиниш, ёмон сўзлар айтиш оддий ҳолга айланиб қолди чамамда. Айниқса, бу одат фарзандларимиз орасида кўп учрамоқда.

Аксарият ҳолларда қаттиқ асабийлашган кишилар қандай сўкинганини билмай қолади. Москва шаҳрининг мэри Юрий Лужковнинг бир гапи бор: «Сўкиниш — ягона тил бўлиб, уни ҳамма тўғри тушуна олади». Лекин охирги ўн йилда сўкиниш болалар орасида кўпайди. Менимча, энг асосий сабаб тарбиядаги бўшлиқдадир. Эътибор берган бўлсангиз, 17-30 ёшлилар орасида сўкиниб гаплашиш урфга айланган. Улар ўртасида сўров ўтказилганида қуйидаги натижалар қайд этилди.

*Сўкинасизми?*

*Ҳар икки жумлада — 14,3%*

*Ҳа, лекин шунақа бўлмаслиги учун ҳаракат қиламан — 22,8%*

*Вақти-вақти билан, стресс бўлганда — 29,4%*

*Гоҳида оғзимдан чиқиб кетади — 31,2%*

*Ҳеч қачон сўкинмайман ва бу одатга қаршиман — 2,3%*

Сўконғич одамлар оддий фикрини изоҳлаётганда ҳам 3-4 жумладан сўнг сўкиниб қўяди. Атрофидаги болалар руҳиятига бу қандай таъсир этишини ўйлаб кўришмайди. Шу сабабли биз бу ёмон одатни тузатиш ҳақида ўйлаб кўришимиз зарур. Эсингизда бўлса, 2006 йили рус хонандаси Филипп Киркоров саҳнага сўкинадиган сўзлар катта ҳарфлар билан ёзилган пушти ранг кўйлакда чиқиб ашула айтганди. Унинг бу қилиғи халқ ўртасида норозиликка сабаб бўлган эди. Шундан кейин мутахассислар бундай сўзларни саҳнада қўллаш ҳақида аҳолининг фикрини ўрганишди. Бу ҳолатни сўроқномани тўлдирган 83 фоиз аҳоли салбий баҳолади, 17 фоиз киши эса «бадиий образда бу керак» деб белгилади. Лекин бундай сўзларни ишлатиш мумкин деганларнинг аксарияти ўспиринлар экан. Бундан ташқари, 17-25 ёшлилар «сўкиниш — ҳаётимизнинг оддий бир белгиси» дейишган.

Сўкиниш кўпайишининг хавфли томонларидан бири шуки, унда биз гўзалликка бефарқ, эстетик завқланмайдиган авлоднинг шаклланишига замин яратамиз. Яна бу ҳолат жинслар, шахслар ўртасидаги мувозанат бузилишига олиб келади.

Сўкиниб гапирилган сўзлар инсоннинг энг нозик туйғуларига ёмон таъсир этади. Уларни айтган одамнинг ўзи кимлигини халқ орасида ошкор қилади. Энг хавфлиси, бу одамларни руҳан эзиш, камситишга қаратилиши билан маънавиятимизга таҳдид солади.

Бу масалага муаммо деб қарайдиган бўлсак, албатта бунинг ўзига хос сабаблари бор. Кўпинча ёш болаларни сўкишга билиб-билмасдан оталари ўргатишади. Қўшни болани ёки амакисини кўрсатиб: «Қани ўғлим, бир сўкиб беринг», — деб энди иккиучга кирган ўғилчасини мажбур қилади. Бола сўкинса, рағбатлантиради. Бу ҳолат беш-олти марта қайтарилгандан кейин бола ўрганиб қолади. Қолаверса, унда шундай сўкинавериш мумкин экан, ҳеч ким индамас экан деган фикр пайдо бўлади. Кимдир ўртоқларига ўзини кўрсатгиси келади. Бир-икки сўкинишдан сўнг ўзича «ютуққа» эришади. Бир хил ногирон одамлар кўп сўкинади, бунинг сабаби улардаги жисмоний заифлик, етишмовчиликдир.

Албатта, сўкинишни одат қилган болани бу иллатдан асраш унча кўп заҳмат талаб қилмайди. Аммо катталарни бундай ҳолатдан қайтариш қийин масала. Давлат хоналари, оромгоҳлар, дўконларда, шаҳар транспортида «чекиш ман этилади» деган огоҳлантирувчи белгиларни кўрамиз. Лекин «сўкиниш ман этилади» деб ҳеч қаерда ёзилмаган.

Баъзи газетхонлар ушбу мақолани ўқиб, «шуни ҳам ёзишибди-я, нима қилибди ёш бола сўкса, ахир у ҳали болаку?» дейиши турган гап. Ҳатто баъзилар «эркак киши сўкиб турмаса бўлмайди, ғазаби ичида қолиб кетади, тезда диққинафас касаллигига дучор бўлади» дейиши мумкин. Бу уларнинг шахсий фикри. Бироқ юксак маънавиятли, оқ-қорани таниган киши ҳеч қачон сўкинмайди. Бу иллатга қарши барчамиз биргаликда курашсаккина соғлом маънавиятга эга бўламиз.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

## Бола азиз...

# Қарғиш ёмон



**О**илада ота-онамиз, мактабда устозимиз, ҳаётда дўстимиз шундай насиҳат қилган: бир ишга қўл уришдан аввал оқибатини ўйла. Ҳаммамиз ҳам ана шу ўгитга амал қилавермаймиз. Бошимиз тошга теккач, ўйламай қилган ишимизнинг оқибатини ёдга оламиз.

**А**слида оқибатни англаш ҳам маънавиятимиз даражасини белгилайди. Шу ўринда бир мисол.

**Б**ир онахонни узоқ йиллардан бери биламан. Аввалига унинг сарвдек қомати, Барчинойдек келбати, қалам қоши, тимқора кўзлари ва яна ичакузди ҳангомалари мени мафтун этганди. Онахон якка-ю ягона ўғлини уйлантириб, келин қилди-ю айниди. Болдек ширин тили қарғишни, ўзидан олдин кулиб турувчи кўзлари қаҳрни ўзлаштириб олди. Айбсиз келинни айбдор қилиб хурсанд бўлди, дили яйради. Келинининг тарафини олгани учун ўғлини ҳам ёмон кўрди. Олдин яширинча, сўнг бааралла қарғади. «Чалпаккинангни ей, фалончи...», «Бўйингни нарвонга солай, фалончи», «Кўкингни кияй, фалончи...». У фарзандлари номини ана шундай сўзлар билан тилга олганда, одамлар ёқа ушлашди. Нуронийлар насиҳат қилди. Яқинлари астойдил танбеҳ берди. У эса шу ёмон одатга ўргониб қолди. Оқибатини англатмоқчи бўлганларни ўзига душман билди. Охири онанинг қарғиши уриб, тоғдек ўғил йиқилди. Йиқилди-ю, қайтиб ўрнидан турмади. Она ўзи айтгандек, ўғлининг «кўкини кийди».

**Ў**ғлининг йили ўтмасдан умрида иҳ демаган қизи бедаво дардга чалинди. Ўғлининг ҳажрида юраги куйса-да, тили куймади. Ўрганган одат ўлганда қолар дегандек, энди қизини қарғашга ўтди. «Чалпагини ей, бу қиз онам бор демайди-я», — деб зорланди.

Қизи ҳам ёмон касалга мубтало бўлиб, дардини ичига ютиб келди. «Онам билса куйиб кетади» деб касалини айтмади. Она эса рангги синиққан қизини ҳар гал қарғиш билан кутиб оларди:

— **С**ени ер тортдими десам, ҳали тирикмисан? — деди бир гал. Ҳай-ҳайлаб келини ўртага тушди.

— **Н**афасингизни ел олсин, тавба денг, ер тортгани камлик қилдими? — дея аччиқ гапирди у. — Ундан кўра қизингиздан ҳол сўранг. Ранг-рўйига қаранг. Ёнгизни қаттиқ ушланг, худонинг қаҳри келади. Мен келин бўлиб келдимки, ўғлингизни қарғадингиз. Мана...

**К**елини ўксиб йиғлади...

**У** келинининг алам билан айтган гапидан бир сесканди-ю, яна онанинг қарғиши ўтмайди деб ўзига таскин берди. Оқ сутини ўртага солди. Келинни ичиқоралликда айблади.

**Қ**из она уйига қайтиб келолмади. Ётиб қолди. Узоқ шаҳарларда даволаниб келди, бўлмади.

**Б**ир куни қизини қарғаб гапираётган эди, овсини силтаб ташлади:

— **Қ**изингиз саратонга чалинган. Тўрт кунлиги борми... ёнида бўлинг, қарғаманг. Барибир онада, чидаб туролмади. Фарёд чекиб, дилбандига ошиқди. Операциядан кейин шишиб кетган қизини семирган деб фаҳмлаб кўнгли тинчиди. «Касал бўлса озиб кетарди», — деди ўзига-ўзи. Овсинини кўролмасликда айблаб, қизига гап уқтирган бўлди:

— **О**дамлар сени рак бўлган дейишаяпти. Рак бўлсанг озиб кетардинг. Соғсанки, семириб ётибсан. Тур ўрнингдан, эркаланиб ётаверма, ҳали у ёққа борсанг ётасан оёқ узатиб.

**Д**ардининг бедаволигидан кундан кунга аҳволи оғирлашаётган бемор бу гапдан тушкунликка тушди.

**Ҳ**афта ўтиб марҳумнинг маъракасига кайвони хотин чалпак пиширди. Ўчоқ бошига ўйнаб келган болакайга ундан синдириб берди.

— **Б**у нима, — деди болакай.

— **Ч**алпак, бувижонингнинг чалпаги, е, савоб бўлади.

«Чалпагингни ей деб бувим шунга айтаркан-да?».

— **Б**увимга олиб бориб беринг. Мен емайман.

**Б**олаларча соддалик, самимият ва ачиниш билан айтилган бу гапдан катталар тил ташлашди. Тиббиёт донишманди Абу Али ибн Сино шундай деган: «Биз зоҳирий касалликларни даволаш йўлларини ёзиб қўйдик, биздан кейингилар ботиний иллатларга шифо топади деб умид қиламиз».

**Қ**айси касбда ишламайлик, оиламиз, шогирдларимиз, дўсту ёрларимиз билан биргаликда миллатимиз маънавиятини бойитишимиз зарур. Айтган сўзимиз фарзандларимиз қалбига нур, яхши ишларимиз ибрат бўлсин. Дунё яхшилик учун яралган. Инсон эса яхшилик учун туғилган. Муқаддас китобимиз Қуръони каримда ҳатто ёмонларга ҳам «гўзал яхшилик билан жавоб беринг» деб буюрилган.

**А.НАБИЕВА**

Кузатув

# Адабий эстетика

**Санъат асарлари ғайритабиий ҳолатлар, ҳатто онг билан бошқариш мумкин бўлмаган ҳиссиётлар ҳаракати туфайли пайдо бўлади. Уларнинг вужудга келишини шарҳлаб, тушунтириб беришга инсоннинг ақли ожизлик қилади.**

*Санъат деганда кенг маънода инсон ақли ва қўли билан яратилган нарсалар тушунилади. Масалан, мусиқа номоддий кўринишда бўлса, ҳайкал ва расмлар моддий кўринишга эга.*

*Инсон табиат ҳодисаларига тақлид қилиб асар яратгани учун нарса-ҳодисаларга турли нуқталардан қарайди. Шу боис кишилар яратган санъат асарлари бир-биридан фарқланади.*

*Санъатнинг шундай бир тури борки, унинг хомашёси тош ҳам, ёғоч ҳам эмас. Бу — адабиёт. Унинг меҳвари сўз ҳисобланади. Ана шу хомашёни маълум бир тартибга, маъноли тизимга солиш орқали адабий асарлар вужудга келади.*

*Сўздан қай тарзда ва қандай фойдаланишга қараб адабий асарлар ҳам турлича баҳога эга бўлади.*

*Бадиий асарларда инсоннинг сиймоси турли ҳолатларда тасвирланади. Ҳар бир ижодкор ўз хаёли асосида ҳаёт ва инсон қисмати мураккабликларини турли рамз ва шаклларда ифодалайди. Унинг ўзи яратган, тўғрироғи, кашф этган санъатида гўзаллик, нафосат яширин бўлади. Шуларни ҳис қила олишига кўра ҳар бир ижодкорнинг ўз эстетикаси шаклланади.*

*Адабиётда ижодкорга таъриф берилаётганда услуби, характер яратиш маҳорати, қаҳрамонлари, мавзуларининг долзарблиги каби хусусиятлар тилга олинади. Буларни жамлаб айтганда — ижодкорнинг эстетик принципи юзага келади.*

*Эстетика фани тарихида чуқур из қолдирган сиймолардан бири Иоганн Гердер (1744-1803) ҳар бир халқнинг табиати, муҳити, урф-одатлари, ахлоқий қадриятлари, миллий тил хусусиятлари шу халқнинг санъати ва адабий образларида акс этишини эътироф қилган.*

*Мукаммалликка интилиш, атрофни синчиклаб кузатиш, ўзи ва оламни ўрганиш борлиқнинг яширин гўзалликларини англашга имкон беради.*

*Одамлар ҳамма даврларда ҳам ўзлари англа(ма)ган ҳолда гўзаллик қонуниятлари асосида яшашга интилишади, ўзлари билган ва билмаган ҳолда ана шу тамойиллар асосида ҳаёт кечиради, қалам тебратади. Демак, ижодкорнинг эстетик тамойили образлар яратишда ҳам унга тўла ҳукмронлик ҳуқуқини бермайди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий «Кумушни ўлдириб қўйдим!» дея йиғлаган бўлса ажаб эмас.*

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**

Кўзга тўтиё мерос



**Одатда оқиллик, донишмандлик ҳар бир халққа хос тушунча ҳисобланади. Халқнинг донолиги у яратган бой маънавий мерос — достон, мақол, оғзаки ва ёзма ижод намуналарида намоён бўлади. Ҳеч эътибор қилганмисиз, бирор-бир миллат мақоли ҳақида гап кетганда, албатта, халқ ҳикмати ёхуд пурмаъно нақл деган атама қўлланади.**

# «Алпомиш» достони — халқ меҳвари

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг буюк ва безавол обидаси бўлмиш «Алпомиш» достонида ҳам кундалик ҳаётда учраб турадиган оддий ҳодисалар ғоят закийлик билан тасвирланади. Натижада улар ўқувчини ҳайратга соладиган, чуқур ўйлар уммонига ғарқ этадиган ҳикматлар ифодасига айланади.

***Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,***
***Ажалли касратки тегар илонга,***
***Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,***
***Магар ажал қамсаб келса чичқонга.***

Ўзбек учун, айниқса эр йигит учун ор-номус энг олий тушунча ҳисобланади. У жондан кечса кечадики, аммо зинҳор ғурурини топтатиб қўймайди. Ҳатто севган ёри бу муқаддас тушунчалар қаршисида «четга» чиқади.

Бу зайил иш тутиш, ғururни ҳар недан юқори қўйиш Ҳакимбек (Алпомиш)ка ҳам бегона эмас. У тушида танишиб дўст тутингани, аммо ўнгида биринчи бор кўриб тургани Қоражон томонидан айтилган гапларни ҳазм қилолмайди. Чунки бу сўзлар юрагини ўртайди, кўнглида ғалаёнлар қўзғайди. Асарда тасвирланишича, Қоражон кишининг ҳамиятини қўзғайдиган сўзларни айтади. Эсингизда бўлса, Мастон кампирнинг кенжа ўғли бўлмиш Қоражон алп акаларини инсофга чақиргани учун калтакланган эди. Шу боис Алпомиш билан дўст тутинишга, нодон акаларидан қасос олишга аҳд қилади. Шунинг учун Қоражоннинг Ҳакимбекни тезлаши, турли гап-сўзлар билан ўзларининг умумий ёвларига қарши отлантиришга ҳаракат қилиши бежиз эмас. Бироқ, Алпомиш унинг сўзларидан бошқача тўхтамга келади. Бу эса, айтиш керакки, Қоражоннинг кутганига мутлақо зид эди.

Шу ўринда достон қаҳрамони бор бўй-басти билан ўзбек қиёфасида намоён бўлади. Гарчи мақсадлари муштарак бўлса-да, қалмоқ алпининг Барчин шаънига айтган ёлғонлари унга кучли таъсир қилади, кўнглида гумон уйғотади: «...бул қалмоқларнинг алпи билан арлашиб қолиб, балога йўлиқиб юрган экан, бу қалмоқ менга билиб гапиргандир, бориб шарманда бўлгунча, бормай, шу ерданоқ қайтиб кета берсаммикин», — деб ўйлайди. Чунки миллатимиз наздида аёлликнинг асил белгиларидан бири — ортидан гап-сўз чиқармасликдир. Аёл ғийбатга нишон бўлиб қолгач, қанчалик ҳақ бўлмасин, номи ёмонга чиқади. Бежиз қиз боланинг номус ва ғурурини оққандга ўхшатишмайди. Чунки қандга теккан доғни кетказиш қийин. Шундан бўлса керак, момоларимиз ҳамиша қиз боланинг шаънини юксак тутишга, асрашга интилиб келганлар.

**Жамшид НИЁЗОВ**

Бир сўз шарҳи

# «Зуннун»нинг маъноси нима?

Ҳозирги ўзбек шеърияти ҳақида гап кетганда, ижтимоий воқелик инъикосидан кўра инсон руҳиятини гавдалантиришга диққат қилинаётгани, ишора йўли билан битилган шеърларни тушунишда ўқувчи интеллектуал жиҳатдан етук бўлиши кераклигини қайд этиш жоиз. Замонавий шеъриятда ижодий экспериментлар қилаётган, ўз услубий қиёфасига эга бўлган шоир Фахриёрнинг «Аёлғу» достонида шундай шаклий изланишлар тарзида битилган сатрлар мавжуд:

*оҳанглар тиладим фалакдан*
*муножот учун*
*наҳанглар тиладим уммондан*
*истиғфор учун*
*ибодат учун*
*ижобати учун уммидларимнинг*
*отим зуннун бўлди*
*фахриёр қолиб*
*наҳанг йўқ*
*уммон йўқ*
*оҳанг йўқ*
*саҳро бор*
*ва унда мен борман*
*йўқолган бешикка беланган мен*
*бешик НУН*



Лирик қаҳрамон руҳиятидаги бундай ҳолатни тушунишга уриниб кўрамиз.

Фахриёр адабий тил «унутган», лекин юртимизнинг қайсидир гўшаларида яшаётган чуқур маъноли сўзлардан ва мумтоз адабиётда қўлланган «кўҳна оҳанглар»дан шеърларида маҳорат билан фойдаланади.

«Зуннун» сўзининг маъноси нима? Киши исми сифатида ҳам келадиган бу сўзни араб тилидан «Нун эгаси» деб таржима қилиш мумкин. «Нун эгаси» нима маънони билдиради?

Пайғамбарлар қиссасида Юнус пайғамбарнинг балиқ билан «сийланган»и учун у яна Зуннун деб ҳам аталиши сабаблари «Қиссаи Рабғузий»да шундай ҳикоя қилинади: «Савол: Зуннун недин атанди, нун балиқ турур? Жавоб: Изи азза ва жалла халойиқға ялавоч тақи совчи атадуқ. Бир соат биздин ғофил бўлди эса балиқ атадуқ. Тақи бир жавоб: доим саждада эрди. Балиқ ҳам сожидаларга менгиз. Бу от анга таъриф эди».

Келтирилган иқтибослардан аёнлашадики, балиқ «сожид»лардан экан. Ва яна ҳадиси шарифда ҳам шундай дейилган: «Илм олинг! Илм олаётган кишиларнинг гуноҳини сўраб, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам худога истиғфор айтадилар». Англаймиз: лирик қаҳрамон «наҳанглар тиладим уммондан истиғфор учун» деяроқ гуноҳлари кечирилишини сўраётган экан. «...Отим зуннун бўлди фахриёр қолиб» сатрларида лирик қаҳрамон худди балиқ қорнида қолган Юнус пайғамбар каби руҳий азобда қолгани англашилади. «Йўқолган бешикка беланган мен, бешик нун» ҳам худди шундай ҳолат чизгиси. Бешикка беланган чақалоқнинг қимирлай олмай қийналгани сингари, лирик қаҳрамон-да кенг дунёга сиғмай сиқилган.

Абу Исҳоқ «Маноқиби Хожа Каъб ул-Аҳбор» асарида Нун балиғини Қуръони Каримда келадиган «ҳарфи муқаттаот» саналган «Нун» билан боғлайди ва қадим аждодларимизнинг мифик тасаввурларидаги ернинг қандай кучлар томонидан бошқарилишини ёзади.

**Саидмурод ХОЛБЕКОВ,**
**ЎзМУ тадқиқотчиси**

Китобингизги ўқидим

***Кўнгил нозик, шаффоф туйғулар макон қиладиган даргоҳ. Инсонни фикрлашга, мулоҳаза қилишга ундовчи дил торларини чинакамига чертувчи сас борки, шеърга айланади. Ошиқлик, муҳаббат, меҳрга йўғрилган оҳангларни усталик билан кучли таъсир воситасига айлантириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун худо берган истеъдод керак десам, адашмаган бўламан.***



# Соғинч сатрлари

Шундай истеъдод соҳиби Муҳайё Бону Қурбонзоданинг «Наврўзангман, онажон» номли илк тўпламидаги шеърларни ўқир эканман, чиндан ҳам инсонлар бу дунёга бир-бирига яхшилик улашиш учун келганлигини теранроқ англагандек бўлдим.

Муҳайёнинг шеърлари кенг қамровли. Унда ватан, ота-она, меҳр-муҳаббат, садоқат, соғинч, яхшилик ва ёмонлик мавзулари қаламга олинган. Айниқса, соғинч ҳисси уфуриб турган сатрлар кишини беихтиёр ўйга толдиради. Боликнинг беғубор дамларини қўмсаб, кўнгил ойнаси мусаффо бўлган паллаларга қайтиш илинжи шоирни изтиробга солади:

**Ташлаб кетдинг**
**унсиз чўлларда,**
**Йўлим тополмайин**
**аҳволим ночор.**
**Изтиробга лиммо-лим**
**тўлганда юрак,**
**Нечун ҳолим сўраб**
**келмайсан бир бор,**
**Покиза,**
**Беғубор**
**Болалик!**

Муаллиф ўзи туғилиб ўсган Қашқадарё воҳасининг ўзгача сеҳрини меҳр билан тасвирлайди. Қашқадарёлик бўлмаган кишилар ҳам беихтиёр бу диёрни севиб қолади.

Мен шеъриятнинг сирларини, моҳиятини адабиётшунослардек тушуна олмасман. Аммо муҳими, мисраларни ўқиганингда ниманидир ҳис қиласан, таъсирланасан ва дилингда ажиб илиқлик уйғонади. Шу маънода шоиранинг ёзмишларини ижобий баҳоладим. Муҳайёга баркамоллик тилайман. Адабиётимизга янги нафас олиб кирсин.

**Гулруҳ ТОШМАТОВА,**
**Олий журналистика курси тингловчиси**




# Аёл — ҳаёт чироғи

***Қуёшсиз гуллар очилмагани каби, муҳаббатсиз бахтга эришиб бўлмагани каби, она бўлмас экан — шоир ҳам туғилмайди, қаҳрамон ҳам. Улуғ рус адиби Максим Горкийнинг юқоридаги гаплари нечоғлик ҳақиқат экани барчага маълум.***

**Одамлардан бири**



Аёл — она, севимли ёр, опа, сингил. Мақоламиз қаҳрамони Мастура Қосимова Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидан. Турмуш ўртоғи Дилшод ака билан уч фарзандни вояга етказишаяпти. Опа саҳар туриб, ишга чопади. Болам деб елиб-югуради. Нима қилса, фарзандларим учун бўлсин дейди. Уларнинг ютуғидан қувонади. Омади келмаган пайтларда: «Сабрли бўл, ҳали ёшсан, ҳаммаси олдинда», — дея насиҳат қилади. Катта ўғли Нодиржон Андижон вилоятида ҳарбий хизматни ўтамоқда. Иккинчи ўғли Қодиржон Ички ишлар вазирлиги академиясининг 1-курсида таҳсил олмоқда. Кенжатойи Ботиржон эса боғчага боради.

— Ҳар қандай она болам деб яшайди, — дейди Мастура опа. — Боласини ўйламайдиган, келажаги ҳақида қайғурмайдиган она бўлмаса керак. Менинг ҳам фарзандларим халқимизга, ватанимизга хизмат қиладиган етук инсон бўлиб етишса, мен учун бундан ортиқ бахт бўлмайди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**ЎзМУ талабаси**

## Наврўзим...

*Заминни қақшатган қаҳратон қаҳри,*
*Охир сизлагайдир ғолиб рангларни.*
*Самовот уммони, булутлар наҳри,*
*Буткул ювиб ташлар гарду чангларни.*

*Қуёш нури яна қилар тантана,*
*Гуллайди ҳаттоки тошлар чандиғи.*
*Субҳи содиғ билан очилар яна,*
*Инжа кўнгилларнинг олтин сандиғи.*

*Ҳайратдан титраган майса жонида,*
*Чақинлар шиддати киради тилга,*
*Тоғлар бўялганча лола қонига,*
*Ҳамон одимлайди мангулик — йўлга.*

*Нигоҳлар туманни девордай йиқмиш,*
*Оҳулар, чашмалар тўхтар йиғидан.*
*Ўриклар келиндай уялиб чиқмиш,*
*Она табиатнинг чимилдиғидан.*

*Яна бошимиздан сочгайдир фалак,*
*Боқийлик бойлиги — юлдузларини.*
*Камалак — ҳислардан яралган малак,*
*Халқим унутмагай илдизларини.*

*Бедорлик ҳоримас оёққа қалқиб,*
*Мадҳия деб англар яшил навони.*
*Наврўзим, жаннатдай кутгансан балки,*
*Одам Ато билан Момо Ҳавони...*

*Наврўзим, ўзингсан дилларга дармон,*
*Қайғуга тобут, ҳам орзуга бешик.*
*Тириклик давлати чиқарган фармон —*
*Безавол боғларга ўймакор эшик.*

*Миллатим ғурурин шарҳимисан, ё,*
*Мозийлар сувратин сийрати бутун.*
*Буғдой сўзларингни ҳижжалар дунё,*
*Урушлар оловин ўчириб шу кун...*

*Наврўзим, бошингда яркироқ тождир,*
*Тинчлик деб аталган энг буюк неъмат.*
*Момолар кўзидан тўккани бождир.*
*Қувончдан ёрилган қуёшдай ҳайрат.*

*Қалдирғоч, турнадай юксак учасан,*
*Сўнг ювиб ташлайсан жафолар жабрин.*
*Сенга етмаганлар қабрин қучасан,*
*Нур билан сийлайсан етганлар сабрин.*

*Сени деб кўкарган сўлмагай токи,*
*Ҳар битта дов-дарахт замин раъноси.*
*Одамзод бор экан, таърифнинг боқий,*
*Инсофу диёнат исминг маъноси.*

*Нафасинг яшиллик сеҳргаридир,*
*Улуғ эврилишга тилак, ибтидо.*
*Шуълалар эҳсондир, меҳр паридир,*
*Сен борки, тириклик билмас интиҳо...*

**Одил ҲОТАМОВ**

## Бугуннинг одамлари



## Бизни қувонтирди

2008 йил биз учун баракали якунланди. Ҳосилдорлик 60 центнерга етказилди. Ғаллачиликдан 6 миллион сўм микдорида соф даромад олинди.

Пахтачилик бобида эса ҳосилдорлик 42 центнерга етказилиб, 13 млн. сўмни ташкил этди.

2009 йилда контрактация шартномаларига асосан пахта майдонларини қисман қисқартириш, бошоқли дон экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, сабзавот ҳамда бошқа озуқабоп экинлар экилиши кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида иқтисодда ва ободончилик ишларида катта ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

**Тошпўлат ШОЙЗОҚОВ,**
**Боёвут туманидаги,**
**«Шойзоқ ота»**
**фермер хўжалиги**
**раҳбари**

# Чекишнинг баҳоси қанча?

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёдаги 50 фоиз эркак ва 25 фоиз аёл тамаки чекиб, ҳар йили 2,5 млн. киши кашандаликнинг «кароматли» туфайли ҳаётдан кўз юмар экан. Ўпка саратонидан ўлим топганларнинг ҳар 20 нафаридан 19 таси кашандалар ҳисобига тўғри келади. Шу ўринда савол туғилади: чекувчилар кимлар?***

Чекувчиларнинг салмоқли қисмини зиёли, етук мутахассислар, тамаки чекишнинг оқибатини яхши англаб етган тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар ташкил этар экан. Улар нега чекишади? Шу савол билан қизиққан мутахассислар чекувчилар ўртасида сўров ўтказганида, кашандалар тамакини чарчоқ, сиқилиш, тушкун кайфият ва ёмон уй-хаёлни унутишга кўмаклашадиган халоскор деб билишлари маълум бўлди. Ҳатто кашандаларнинг бир қисми сигарет чекиш бироз вақт очликни унутишга ёрдам бериб, иш унумдорлигини оширади, деб жавоб беришган.

Тиббиёт ходимларининг талабалар ўртасида олиб борган тажрибалари шуни кўрсатдики, чекувчи талабаларда масала ечиш, ёд олиш, тез ва аниқ чизиш қобилияти чекмайдиган тенгдошларига нисбатан 4-6 баробар суст бўлар экан. Ичкилик ва чекишдан йироқ бўлган одамнинг ақли тиниқ, фикрлаш қобилияти теран, жамиятдаги фаоллиги бир неча марта юқори, ўзига ишончи мустаҳкам бўлиши исботланган.





Кашандаларнинг экологияга кўрсатаётган салбий таъсири завод ва фабрикалардан чиқаётган зарарли тутунлардан қолишмайди. Мисол учун бир йилда 2 млн. 520 минг тонна сигарет қолдиқлари ахлат кўринишида ер шарини ифлослантиради. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, кашандалар бир йилда 700 тонна синил кислотаси, 400 минг тонна аммиак, 600 минг тонна қорамойни атмосферага «туҳфа» қилишади. 2-3 томчи соф никотин инсон умрига нуқта қўйишга қодир эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар йили ҳавога чиқаётган 100 тонна никотиннинг зарарини ўйлаб кўраверинг.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўп йиллик изланиш ва тажрибалардан келиб чиқиб «чекиш инсониятга ҳеч қандай фойда келтирмайди» деган қарорга келди. Хўш, сизнинг бу ҳақда фикрингиз қандай? Борди-ю, чекишга қизиқаётган бўлсангиз, бу йўлдан қайтинг! Чекаётган бўлсангиз, бу иллатдан қутулинг.

**Элбек ҲАЙИТОВ**

# Бирни кўриб фикр қил...



***«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида шинам кутубхона бор. Унда техник қўлланмалардан ташқари бадиий, ҳуқуқий, сиёсий-ижтимоий китоблар мавжуд. Корхонада тез-тез китобхонлар конференцияси, таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Кейинги пайтларда ходимларга таваллуд айёми муносабати билан китоб ҳадя қилиш одат тусига кирди.***

Яқинда «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси Оҳангарон шаҳридаги ахборот-ресурс марказига икки юз минг сўмлик китобларни туҳфа қилди.

Аммо... Қани энди ушбу ташкилотдан бошқа муассасалар ҳам ибрат олиб, ҳеч бўлмаса китобга муносабатда эътиборлироқ бўлишса.

Бундан уч йилча аввал таназзулга юз тутган «Сантехлит» заводи «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятидан қарздор бўлишига қарамай, турли китобларга бой кутубхонасини ҳиссадорлик жамияти қарамоғига топширмаган. Бу ишни корхонани тугатиш комиссияси раиси М.Бойсариев турли баҳоналар билан орқага сурган. Шундан буён қанчадан қанча қимматбаҳо китоблар қайсидир омборхонада чанг босиб ётибди.

Бундан ташқари Оҳангаронда китоб дўконини ҳам учратиш қийин. Мана шу масалаларга эътибор қаратилса, Президентимизнинг кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонини амалга ошириш йўлида яна бир қадам ташланган бўлар эди...

**Озод ХУШНАЗАРЗОДА**

**Мулоҳаза**

## Биз киммиз?



Ҳаётда яхши инсонлар кимларнингдир зуғуми боис ёмонлик кўчасига кириб кетаётганига гувоҳ бўлганман. Лекин ёмонлар ҳеч қачон яхшилик кўчасига кирганини учратмадим... Ажабо! Инсон онадан яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Аммо унинг яхши-ёмони қандай пайдо бўларкан? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Кайфиятим бузилди деб ароққа ружу қўямиз, чекишдан қасдимизни оламиз. Кейинчалик улар ҳам биздан қасд олишини хаёлимизга келтирмаймиз. Сўнг надомат чекамиз. Баъзан кимларнингдир гапига кириб, виждонимизга қарши чиқамиз. Биз ўзи қайси тоифага кирамиз?..

**Эргаш АТОЕВ,**
**Навоий вилояти Қизилтепа тумани**

## «МУШТАРИЙ МИНБАРИ» №____




*Фамилиянгиз*______________
*Исмингиз*______________
*Отангизнинг исми*______________
*Туғилган йилингиз*______________
*Манзилингиз*______________
*Иш(ўқиш) жойингиз*______________
*Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?*______________

# Чора истаб...



Буюкбританиянинг етакчи банкларидан бўлган «Royal Bank of Scotland» (RBS) 9 мингга яқин иш ўрнини қисқартиришни режалаштираяпти. Бу ҳақда «Bloomberg» нашри хабар тарқатди.

Иш ўринларининг қисқартирилиши харажатларни камайтириш режасининг бир қисми ҳисобланади. Банк шу тариқа уч йил мобайнида 2,5 млрд. фунтни иқтисод қилмоқчи. Бу банкка давлат томонидан молиявий ёрдам сифатида берилган маблағ (24 млрд. фунт)нинг бир қисмини қайтариш имконини беради.

RBS Европадаги глобал молиявий инқироздан энг кўп зарар кўрган етакчи банклардан биридир. Охирги бир йилда унинг акциялари ўн баробардан ҳам кўпроқ арзонлашди.

# Сеними, шошмай тур!..



«Reuters» агентлигининг хабарида айтилишича, 7 апрел куни бўлиб ўтган брифингда Ҳиндистоннинг «Дайник Жагран» газетаси мухбири Жарнаил Сингх ички ишлар вазири Паланиаппан Чидамбарамга ботинкасини улоқтирди. Бунга вазирнинг 1984 йили сикхлар қирғинини уюштириш бўйича Ҳиндистон миллий конгресси аъзоси Жагдиш Тайтлерга нега айб эълон қилинмаганлиги ҳақидаги саволга жавоб беришни истамаганлиги сабаб бўлган.

Ботинка нишонга тегмаган бўлса-да, журналистни полиция участкасига олиб кетишиб, бироздан сўнг қўйиб юборишган.

Сикх радикаллари уюштирган кўплаб террактлар ҳамда Ҳиндистон бош вазири Индира Гандининг сикх соқчилари томонидан ўлдирилишига жавоб тариқасида юз берган қирғинда, расмий маълумотларга кўра, 10 мингга яқин сикх ҳалок бўлган. Ўшанда халқаро ҳамжамият мамлакатнинг сикх аҳолиси қирғин қилинишига бархам беришни талаб қилгунига қадар полиция тўрт кун мобайнида бўлаётган воқеаларга лоқайдлик билан қараган.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий норозилик сифатида ботинка улоқтириш ўтган йилдан бошлаб урф бўлди. Биринчи бўлиб 2008 йилнинг декабрида ироқлик журналист Мунтазир Зайдий АҚШ президентига ботинкасини отган эди. Шундан сўнг Хитой бош вазири, Исроилнинг Швециядаги элчиси ва бошқа кўплаб сиёсатчилар Бушнинг аҳволига тушишди.

# Собиқ президентнинг қисмати



AFP агентлигининг хабарига қараганда, махсус трибунал инсон ҳуқуқларини бузганликда айбдор деб топилган Перунинг собиқ президенти Алберто Фухиморини 25 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида етмишга кирган Фухимори 1990 йилнинг июлидан 2000 йилнинг ноябригача Перу президенти бўлган. 1990-йилларнинг бошларида мамлакатдаги сўл инқилобий ҳаракатларни бостириш учун шафқатсиз чораларни қўллаган — концентрацион лагерлар ва ёпиқ ҳарбий судлардан фойдаланган.

Мансабини суиистеъмол қилганлиги учун 6 йиллик қамоқ жазосини ўтаётган собиқ президент устидан ўтказилган суд жараёни 15 ой давом этди.

Саратон ва гипертония хасталиги билан оғриган Фухимори коррупция жинояти учун яна икки бор суд олдида жавоб беришига тўғри келади.

Алберто Фухиморининг қизи Кейко мамлакатда 2011 йили ўтказиладиган президент сайловида ғолиб чиқишни ният қилган. Агар мақсадига эришса, президент сифатида отасини авф этмоқчи.

# Энг хавфли усул



Одамлар осон пул топишнинг минг бир йўлини ўйлаб топишган. Шундан давлат ва жамият учун энг хавфлиси пулнинг ўзини сохталаштириб кўя қолишдир.

Чоршанба куни «Интерфакс» агентлиги Россиянинг Ростов вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қалбаки пул ясовчи гуруҳни қўлга олганлиги ҳақида хабар тарқатди. Жиноятчилардан сохта рубл ва доллар ясашда фойдаланилган асбоб-ускуналар ва катта миқдорда сохта банкнотлар мусодара қилинган.

Бир вақтнинг ўзида Ингушетияда ҳам шундай операция ўтказилган.

Ҳар иккала тадбирда жами тўрт киши ҳибсга олинган. Айни пайтда терговчилар сохта пулларни ўтказиш йўлларини аниқлашмоқда.

**Интернет хабарлари асосида**
**Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади**


# Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!

**«Buxoro Auksion Savdo» Ixtisoslashtirilgan Tashkiloti ва Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам ба қадам ошиш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади. Савдолар «Buxoro Auksion Savdo» Ixtisoslashtirilgan Tashkilotining савдолар залида бўлиб ўтади.**

*2009 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган савдоларга Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси томонидан қуйидаги мулклар чиқарилган.*

1. Жондор шаҳарчаси Тераказор кўчаси ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 170 000 сўм.**

2. Жондор шаҳар Ғарбий массиви ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 15 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 160 000 сўм.**

3. Шофиркон туман Ш.Ҳамроев ҚФЙ, Шўробод қишлоғи ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 300 000 сўм.**

4. Шофиркон туман С.Жўра ҚФЙ, Наққош қишлоғи ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 4та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 400 000 сўм.**

5. Бухоро туман Работипоён МФЙ, Работипоён қишлоғи ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 600 000 сўм.**

6. Ромитан туман Челонғу ҚФЙ ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 63 000 сўм.**

7. Ромитан туман Шўрча ҚФЙ ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 2 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 63 000 сўм.**

8. Ромитан туман Ромитан ҚФЙ ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 60 000 сўм.**

9. Ромитан шаҳри ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 2 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 72 000 сўм.**

10. Коғон туман Беклар ҚФЙ ҳудудидан уй-жой қуриш учун 500 кв.метрдан иборат 2 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 152 250 сўм.**

11. Жондор шаҳарчаси Тераказор кўчаси ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 10 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 170 000 сўм.**

12. Жондор шаҳар Ғарбий массиви ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 2 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 170 000 сўм.**

13. Жондор шаҳар Дўстлик кўчаси ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 13 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 170 000 сўм.**

*Сотилмай қолган ер майдонлари 2009 йил 19, 26 май ва 2 июн кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган Аукцион савдоларида мунтазам равишда қўйиб борилади.*

*Шунингдек, 2009 йил 28 апрел куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган Такрорий «Очиқ аукцион» савдоларга Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси томонидан қуйидаги мулклар чиқарилган.*

1. Бухоро туман Работипоён МФЙ, Работипоён қишлоғи ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв. метрдан иборат 15 та ер майдони (3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 14, 15, 16, 17, 19, 20-сон). **Бошланғич баҳоси 600 000 сўм.**

2. Шофиркон туман Мазлахон-Чандир ҚФЙ, Чандир қишлоғи ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 10 та ер майдони (2, 3, 6, 7, 10, 11, 18, 19, 23, 28-сон). **Бошланғич баҳоси 400 000 сўм.**

3. Шофиркон туман Қалмакон МФЙ ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 21 та ер майдони (1, 2, 3, 6, 11, 12, 16, 30, 39, 40, 41, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 53, 55, 56, 62-сон). **Бошланғич баҳоси 500 000 сўм.**

4. Жондор шаҳарчаси Тераказор кўчаси ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони (35-сон). **Бошланғич баҳоси 170 000 сўм.**

Савдоларда иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» — «Buxoro Auksion Savdo» Ixtisoslashtirilgan Tashkilotiga қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

* Кўрсатилган мулкларни сотиб олиш мақсадида аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза;
* «Савдо ташкилотчиси»нинг МФО 00119, АТИБ «Ипотека банк» Сардор филиали, 20208000004530032001 ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 15 % (фоиз) миқдоридаги гаров пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
* Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси;
* Закалат пулини киритиш **«Аукцион»** савдоси бошланишига 1 соат қолганда тўхтатилади;
* Аризаларни қабул қилиш рўзномада эълон чоп этилгандан бошлаб, ҳар куни шанба ва якшанба кунидан ташқари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш **«Аукцион»** савдоси бошланишига 3 кун қолганда тўхтатилади.

Сотилмай қолган ер майдонлари 2009 йил 5, 12, 19 май кунлари соат 11.00 ўтказиладиган Аукцион савдоларида мунтазам равишда қўйиб борилади.

**Имкониятингизни қўлдан бой берманг, азизлар!**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.**
**«Buxoro Auksion Savdo» Ixtisoslashtirilgan Tashkiloti**
**Манзил: Бухоро ш. Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: 223-92-91.**


## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 мартдаги «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши мажлиси» қарорига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар ечими юзасидан «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг Тошкентдаги марказий аппаратида: *тел. (8-371) 232-11-68; «Тошкент» филиалида: (8-371) 299-94-38,* **«Ишонч телефонлари» ишлаб турибди.**

